

Нафосат ва баркамоллик ифодаси

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи ҳамда “Happy Caravan” халқаро турнири бошланди.



Мусобақалар Халқаро гимнастика федерацияси шафелигида Ўзбекистон гимнастика федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай нуфузли спорт байрамлариға мезбонлик қилиш масъулияти яна бир карра Ўзбекистонға ишониб топширилгани бежиз эмас. Халқаро мутахассислар юртимиздаги шарт-шароитлар, мустаҳкам моддий-техник база, спортга бўлган юксак ғамхўрлик, йирик мусобақаларни ташкил этиш борасида ўтган йиллар давомида тўпланган бой тажрибаларимизни инobatта олиб, шундай қарорға келишди. Бундан, албатта, ҳар биримиз чексиз гурур ва ифтихор ҳиссини туямиз.

(Давоми 2-бетда).

Ғамхўрлик

Заминга қадалган кўчат меҳр билан парваришланса, унинг илдизи бақувват, ҳосили баракали бўлади. Фарзанд ҳам — мисоли навниҳол. У ҳамини эътибор парваришга муҳтож. “Sen Yolg'iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармаси қошидаги Ўқув маркази фаолияти ана шундай ўғил-қизларга ғамхўрлик кўрсатишга йўналтирилган.

Меҳрдан баҳраманд болалар

Куни кеча мазкур марказнинг навбатдаги битирувчиларига сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Таъкидланганидек, бугунги кунда ёш авлоднинг баркамол этиб тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шундан келиб чиқиб, ота-она меҳридан бебахра ўғил-қизлар, ижтимоий, тиббий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг жамиятда муносиб ўрнини топиши учун яқиндан кўмаклашилаётгани қувонарлидир. — Марказимиз болаларнинг иқтидор ва истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда, — дейди “Sen Yolg'iz Emassan” Республика жамоатчилик болалар жамғармасининг Ўқув маркази раҳбари Галина Смирнова.

(Давоми 4-бетда).

Келажакка бел боғлаганлар

— Яқинда юртимизда кенг нишонланган Хотира ва қадрлаш кунининг маънавий аҳамияти ҳар биримизни дунёга сергак ва зийрак назар ташлашга ундамоқда, — дейди “Нуроний” жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими кенгаши раиси Маҳаммаджон Зуфаров. — Уша кун Президентимизнинг журналистларга берган интервьюсида қатор долзарб масалалар тилга олинди.

Улуғимсан, Ватаним!

Давлатимиз раҳбари ҳаётни англаш, кечаги кунимиздан сабоқ чиқариб яшаш, шу мусаффо осмон, тинч-осуда ҳаётнинг қадрига етиш, она-Ватани, унинг ҳар қарич тупроғини асраб-авайлаш, навқирон ўғил-

қизларимиз учун янада кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиб бериш каби муҳим вазифаларга алоҳида тўхталиб, бу борада керакли тушунча ва тавсияларни бердилар. Дарҳақиқат, бугун одамлари-

мизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, касбга бўлган муносабати буткул ўзгарган. Зеро, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас. Разм солган одам буни дарҳол пайқайди. Юртдошларимиз иш тутуми, мақсади, яшаш тарзи, қадам олишию орзу-хаваслари — буларнинг барида шу юртга, шу тупроққа дахлдорлик ҳисси муҳассам эканлиги кун сайин жужасроқ намоён бўлиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

Тиббиёт

Кеча пойтахтимизда кардиолог мутахассисларнинг навбатдаги илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Кардиолог мутахассислар анжумани

Юрак қон-томир касалликларини даволаш ва ташхиллаш ҳамда ушбу жараёнга юқори технологияларни таъбиқ этиш мавзусидаги мазкур тадбир Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон кардиологлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманининг очилишида таъкидланганидек, бугун юртимизда эл саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар халқаро миқёсда намуна сифатида эътироф этилмоқда. Чунки, ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзусидаги халқаро анжуман ҳам мамлакатимизда инсон омили,

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда:

Қорақалпоғистон Республикаси

Бугун Оролбўйининг турли ҳудудларидан Нукус шаҳридаги “Қардар” ишлаб чиқариш корхонасига келувчилар кўп.

Нақшинкор эшиклар жозибаси

Негаки, Мурод Шимбергенов саъй-ҳаракати билан фаолият бошлаган мазкур корхонада тайёрланаётган бежирим, кўркам ва мустаҳкам эшиклар қисқа фурсатда харидорлар эътиборига тушиб улгурди. Қолаверса, бу ерда эшикларга буюртмачи истагига кўра турли нақшлар ҳам солинаяпти. Мазкур жараёнда 100 минг АҚШ доллари эвазига Хитойдан келтирилган илғор технологиялардан фойдаланилапти. Уларни бошқариш учун 20 нафар ёш мутахассис ишга жалб этилган.

Айни пайтда тадбиркор яна бир янги лойиҳани амалга ошириш ҳаракатида. Унга кўра, 500 минг АҚШ доллари ҳисобига ёғоч ва пластмасса чиқиндиларидан маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилади.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Самарқанд

“Самарқанд транс марказ” таркибидаги йўловчи ташуви фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар хайрли ташаббус билан чиқди.

Ўқувчилар учун яна бир қулайлик

Яъни йўналишлар бўйича мунтазам қатновчи амалга ошираётган автобус ва таксилардан эндиликда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари бепул фойдаланадиган бўлдилар. Ушбу ташаббус ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Ёш авлод тарбиясига тадбиркорлик субъектларининг ҳам ҳисса қўшаётгани, айниқса, қувонарлидир.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Лойиҳа ва самара

Зангиота туманидаги “Hi-tech kabel” қўшма корхонаси маҳсулотлари нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам буюртмачилар эътиборини қозониб улгурди.

Тошкент вилояти

Яқинда мазкур корхонада Маҳаллийлаштириш дастури доирасида истиқболли лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилиб, янги турдаги маҳсулотлар, хусусан, алоқа ва коммуникация кабеллари тайёрлаш ўзлаштирилди. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилашга 925 минг АҚШ дол-

ларилик тўғридан-тўғри хориж сармоясига жалб этилди. Натижада қўшимча яна 10 та иш ўрни вужудга келди.

Мазкур лойиҳалар корхонада маҳсулот сифатини янада яхшилаш баробарида, ишлаб чиқариш ҳажмини ўртача 10 фоизгача ошириш имконини берди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Замин малҳами

Қизирик давлат ўрмон хўжалиги жамоаси 500 туп совун дарахти кўчатини етиштирди. У уч-тўрт йилда 10 метр баландлиқкача ўсади. Барглари шапалок, сояси қуюқ.

Сурхондарё

Бош ўрмончи Мамараим Дўстқобиловнинг айтишича, бу дарахт шўрхок ерда ҳам тез ри-

вожланиб, тупроқни шўрдан тозалайди. Қизирик туманида қишлоқ хўжалигида фойдалани-

лаётган ерларнинг шўрланишини йўқотишда унинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ўрмончилар, шунингдек, шутутга ўхшаб ўсадиган ва ерни шўрланишдан сақлайдиган “Каталка” дарахт кўчатларини ҳам кўпайтирмоқдалар.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СИФАТ ВА СУРЪАТ ЎСИШИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи чораги якуни бўйича мамлакатимизда хизматлар ҳажмининг ўсиши

12,5

фоизни ташкил қилди.

Бундай натижага эришишда соҳада инфратузилмани ривожлантириш, айниқса, алоқа ва ахборотлаштириш, савдо ҳамда овқатланиш, техник ва маиший хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича қўрилган изчил чора-тадбирлар муҳим омил бўлди.

Молия муассасаларида



МИКРОКРЕДИТБАНК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ҳақида гап кетганда, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки фаолияти ҳам алоҳида тилга олинади. Чунки Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони асосида иш бошлаган мазкур молия муассасаси айнан шу соҳа вакиллари қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган бўлиб, у ўтган вақт мобайнида, чин маънода, ишбилармонларнинг ишончли ҳамкори ва кўмакчисига айланиб улгурди. Бунга банкнинг Тошкент вилояти филиалида амалга оширилаётган ишлар яққол мисол бўла олади.



Сармоялар фаровонликка хизмат қилади

Факт ва рақамлар

- Жорий йил биринчи май ҳолатига кўра, филиал жами кредит қўйилмалари ҳажми 39 миллиард 160 миллион 469 минг сўми ташкил этди. Унинг 9 миллиард 152 миллион 197 минг сўми қисқа, 30 миллиард 8 миллион 272 минг сўми эса узок мuddатли кредитлардир.
- Шу йилнинг биринчи чораги давомида ёш оилаларга ажратилган сармоялар миқдори 698 миллион сўмга етди. Ушбу маблағларнинг 259 миллион сўми 66 та оилага истеъмол кредити сифатида, 389 миллион сўми эса 49 та оилага тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида берилди.
- Ўтган тўрт ой ичида филиал қассаларида 32 миллиард 658,6 миллион сўм сўмга етказилиб, бу борада белгиланган режа 121,4 фоиз бажарилди.
- Хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган сармоялар ҳажми 828 миллион сўмга етказилиб, бу борада белгиланган режа 121,4 фоиз бажарилди.

Ҳозирги кунда ушбу филиалнинг 6 та бўлим ва 22 та минибанки вилоятдаги 12757 та миҳозга сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Хизматлар кўламининг кенгайиши ва уларнинг аксарияти тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилгани натижасида эса жорий йилнинг биринчи чорагида миҳозлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 291 тага кўпайди. Айтиш жоизки, молия муассасасининг аҳоли орасига чуқур кириб бораётгани, микросармоялардан унумли фойдаланган миҳозларга имтиёзли кредитлар тақдим этаётгани муваффақиятлар омилли бўлмоқда. Бу ерда, айниқса, жисмоний шахс ва гуруҳ қафиллиги асосида ёки гаровсиз маблағлар ажратиб сингари янги хизматларнинг жорий қилингани аҳолида катта қизиқиш уйғотмоқда. Филиал томонидан ўтган тўрт ой мобайнида миҳозларга жами 7 миллиард 972 миллион сўм миҳоридида кредит берилгани, унинг 4 миллиард 857,5 миллион сўми тадбиркорлик субъектларига тўғри келгани, бошқача айтганда, ушбу йўналишдаги режа 107,3 фоизга уд-

далангани ана шундан далолат беради. Эътиборли жиҳати, ажратилган кредитларнинг 2 миллиард 475 миллион сўми санатга, 2 миллиард 677 миллион сўми қишлоқ хўжалигига, 768 миллион сўмдан зиёдроги савдо, қарийб икки миллиард сўми қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига

ри рўёбга чиқишига кўмаклашаётган. Маълумки, ҳар қандай корхонанинг ривожини унинг қай даражада техника билан таъминланганига боғлиқ. Шу боис ҳозир тадбиркорларимиз ўз корхоналарига замонавий ускуналари жалб этиб, улар орқали ички ва ташқи бозор талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интиломоқда. Масалан, Бўстонлик туманилик тадбиркор Хайрулла Йўлдошевни олиб кўрайлик. У бошқик "Идеал стом клиник" хусусий корхонасида аҳолига намунали ва сифатли стоматология хизмати кўрсатилмоқда. Бунда, албатта, банк филиалининг 20 миллион сўмлик сармояси

Банк ва миҳоз ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайишида, табиийки, Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, сармоялар кам фойзлик шартларида тақдим қилинаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

ёўналтирилгани ўз самарасини кўрсатмоқда. — Бугунги кунда ўз оиласи фаровонлиги, фараздлари камоли, юртимиз тараққиётини кўзлаб меҳнат қилаётган ҳар бир тадбиркор Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан баҳраманд бўлмоқда, — дейди филиал раҳбари Дилшод Маришов. — Банк томонидан ажратилган сармоялар эса ана шундай ташаббускор одамларнинг ниятла-

эвазига янги стоматология ускунаси сотиб олингани ва корхона биноси таъмирлангани қўл келаётди. Бўка туманилик яқна тартибдаги тадбиркор Нодира Қаримова эса молиявий муассаса 3 фойзлик устама ҳақ тўлаш шартли билан 2,5 миллион сўм миҳоридида микрокредит ажратган эди. Пировардида у янги тикув машиналари ҳамда зарур хом ашёни харид қилиб, қўшим-



Дилшод УЛУҒМУРДОВ.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ
 бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2011 йил 12 июлдаги 240/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Май» ҚФЙ худудда жойлашган, «Жаннат баҳори» ХФга тегишли, умумий кўчмас мулк майдони 1127,16 кв.м., ҳовли майдони 0,2792 гектар бўлган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 517 869 234 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 20 июнь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд

Лицензия: RR-0001.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» MЧЖ қўйиладиган маълум қилади. «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 15 майдаги 94 (5514)-сонда чоп этилган эълондаги «Вихоро мулк markazi» MЧЖ сўзлари ўрнига «Ko'chmas mulk savdo xizmati» MЧЖ Бухоро вилояти филиали» деб ўқилсин. Маълумот учун телефон: (8-365) 223-71-30.

«FARG'ONA MULK MARKAZI» MЧЖ
 бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида, такроран ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаментининг Фаргона вилояти худудий босқармаси томонидан ЖИБ Фаргона вилояти судининг 2011 йил 30 декабрдаги 1-125-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Фаргона мева-сабзавот тайёрловсавдо» компаниясига тегишли, Олтиариқ тумани, Қапчугай қишлоғида сақланаётган 16 (ун олти) номдаги ёғоч ашиқлар ишлаб чиқариш дастгоҳлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 10 736 417 634 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 6 июнь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан Суд департаментининг худудий босқармаси вакили иштирокида бевосита жойига

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Фаргона шаҳри, Бурхониддин Марғиний кўчаси, 35-уй. Телефон: (8-373) 224-68-69. Расмий сайтими: www.fmm.uz

ТАНЛОВ САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ
«УГКМ дирекцияси» УК, «Устюртгаз» УШК,
«Ўзнефтвазгазчиқариш» АК, «Ўзбекнефтваз» МХК
«Сурғил ГКК вахтали посёлкаси қурилиши» объекти бўйича қурилиш ишларини амалга ошириш учун танлов савдоларида иштирок этишга таклиф этади.

Молиялаштириш — буюртмачининг маблағлари ҳисобидан.

Буюртмачи — «Устюрт ГКМ объектлари инфратузилмасини қуриш ва Сурғил ГККни жиҳозлаш бўйича дирекцияси» УК.

Объект жойлашган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ тумани.

Танлов савдоларининг ташкилотчиси — «УГКМ дирекцияси» УК.

Буюртмачининг бошланғич нархи: Миллий валюта — сўмда, танлов ҳужжатларида кўрсатилган.

Молиялаштириш шартлари: 30% — бўнак, жорий молиялаштириш жадвали ва иш юритиш жадвалига мувофиқ — 95%, қурилиш ишлари тугаши билан молиялаштириш эксплуатация қилишининг кафолат мuddати тугаганидан кейин, бироқ молия йили тугамасдан олдин 5%.

Буюртмачи томонидан ўрнатилган ишни якунлаш мuddати — 200 кун.

Танлов ҳужжатларининг рус тилидаги тўлиқ тўпламини талабгорнинг ваколатли вакили қўйида кўрсатилган манзилдаги офисда ишончомани кўрсатган ҳолда олиши мумкин: «Устюрт ГКМ объектлари инфратузилмасини қуриш ва Сурғил ГККни жиҳозлаш бўйича дирекция» УК, манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот шаҳри, С. Ермагамбетова кўчаси (748-КТС ММКнинг олдинги

биноси), 2012 йил 15 июнь соат 8.00 дан 17.00 гача.

Телефонлар: (+99861) 312-27-12, (+99897) 478-55-56.
E-mail: tolitkx@mail.ru
Алоқа қилувчи шахс — Турдимуратов Толибай.

Танлов ҳужжатлари тегишли равишда ариза берилган ва тўлов амалга оширилган санадан бошлаб беш кундан кечиктирилмай берилади.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи: Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун 2 000 АКШ доллари ёки Ўзбекистон Республикаси резидентлари учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов пайтидаги курси бўйича миллий валюта (сўм)да.

Танлов ҳужжатлари тўплами учун учинчи шахслар томонидан тўловни амалга ошириш таққиланмади.

Танлов ҳужжатларини олиш учун аризалар юқорида кўрсатилган манзилга жўнатилади.

Савдо ташкилотчисига оферта беришининг охириги мuddати — Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот шаҳри, С. Ермагамбетова кўчаси (748-КТС ММКнинг олдинги биноси) манзили бўйича 2012 йил 16 июнь кунин соат 12.00 гача.

Оферталарни очиб қўйидаги манзилда амалга оширилади: Қорақалпоғистон Республикаси, Кўнғирот шаҳри, С. Ермагамбетова кўчаси (748-КТС ММКнинг олдинги биноси) манзилда 2012 йил 18 июнь кунин соат 12.00 да.

«УГКМ дирекцияси» УК.

Ушбу жойда Сизнинг рекламанингиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама
 бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!
 Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: (8-371) 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» MЧЖ
 бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш босқармаси томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич нархи 274 680 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Яқачинор кўчаси, 10/2-уйда жойлашган, фойдал майдони 132,12 кв.м., асосий хоналар сони 4 та, яшаш хоналари майдони 78,37 кв.м., 5 каватли бинонинг мансардаси бўлган уйнинг тўртинчи каватида жойлашган, ювенил хонаси, ҳожатхона, ошхонадаги жиҳозлар (ванна, газплита, унитаз, раковина) ўрнатилмаган ҳамда электр энергияси ҳисоблагичлари мавжуд бўлмаган 17-хонадон қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 22 июнь кунин соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йил 22 июнь кунин сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 6 июль кунин бўлиб ўтади.

Ушбу савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимовиди савдоси ўтказилишига бир иш кунин қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, Беруний к., 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: (8-371) 249-64-69, 249-66-61.

Лицензия: № 0039.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ
Сирдарё вилояти филиали
 бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 7 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, Мирзаобод тумани, «Меҳнатобод» ҚФЙ, «Т. Аҳмедов» СФУ худудда жойлашган, «Mirzacho Donald Duck» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 914,76 кв.м., фойдали майдони 864,0 кв.м.дан иборат 0001-литердаги қурилиш тугалланмаган бина сарой биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 413 311 755 сўм.

2. Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти судининг 2012 йил 16 февралдаги 12-1103/12111(11)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Мирзаобод тумани, «Тошкент» ҚФЙ, Богистон маҳалласи худудда жойлашган, умумий фойдали майдони 2536,51 кв.м., умумий қурилиш майдони 2450,68 кв.м.дан иборат Мирзаобод, ЙХТПТФКга тегишли 0001-литердаги идора биноси, 0002-литердаги бостирма, 0003-литердаги қоровулхона, 0004-литердаги устанхона, 0005-литердаги бостирма, 0006-литердаги омборхона, 0007-литердаги гараж, 0008-литердаги бостирма-устанхона, 0009-литердаги омборхона, 0010-литердаги ошхона, 0011-литердаги ҳожатхона, 0012-литердаги темир тўсиқ, 0013-литердаги гишли тўсиқ ва 0014-литердаги дарвозадан иборат идора ва ёрдамчи бинолар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 375 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 19 июнь кунин соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2012 йил 15 июнь кунин соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ Сирдарё вилояти филиали DAT (OAJ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон ш., «Бизнес маркази» биноси, 3-кават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91.
 Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Меҳрдан баҳраманд болалар



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Бу ерда ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг умумий фанлар бўйича қўшимча таълим олиши, билимини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиши ва лаёқатига кўра касб-хунар эгаллаши, таълимдан ташқари бундан самарали ва мазмунли ўтказиши учун барча қулайликлар яратилган.

Марказда фаолият кўрсатаётган психолог ва педагоглар болаларнинг дунёқароши, қизиқиши, иқтидорини яқиндан ўрганиб, турли фан, бадий ижодиёт, касб-хунар тўғрисидаги йўналишларни белгилашга ёрдам беради. Умумий фанлар, замонавий ва миллий рақс тўғрисида, медиа марказ, тасвирий ва амалий санъат, театр студияларида бир юз олти нафардан зиёд ўқувчи

қўшимча таълим олиш, ўз истеъдодини намоён этиши имконига эга.

— Уч йилдан буён марказда тасвирий санъат, англиз тили, математика, вокал ва хореографиядан тахсил олиб келаман, — дейди пойтахтимиздаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Нигина Файзиева. — Машгулотлар орқали билимимни янада мустаҳкамлаш ва бойитишга ҳаракат қилдим. Келажакда тасвирий санъат йўналиши бўйича коллеж ҳамда олий ўқув юртида тахсил олиш ниятим бор.

Тадбирда Ўқув маркази тўғрисида театрлаштирилган мусиқий дастур намоён этилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Таълим

Мамлакатимизда ўғил-қизларимизга жаҳон талаблари даражасида замонавий таълим-тарбия бериш, энг сўнгги ўқитиш услубларини жорий этиш, янги илм даргоҳлари фаолиятини йўлга қўйиш, ёшларга ҳеч қандай кам бўлмайдиган даражада касб-хунар ўргатиш Президентимиз ташаббуси билан асос солинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Корхона ва коллеж ҳамкорлиги

битирувчиларнинг аниқ иш жойи билан таъминланишида муҳим омил бўлмоқда

Таълим тизимини ислоҳ этиш борасидаги беҳис ўзгаришлар шу йилнинг 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференцияда ҳам кўп қабатли мамлакатлардан келган юзлаб мутахассислар ҳамда экспертлар томонидан эътироф этилди. Бу беҳис эмас. Чунки юртимиздаги таълим муассасалари замон талабларига тўла мос келади. Қолаверса, уларда сабоқ олаётган ёшларимиз фанларни ўзлаштиришда, хорижий тилларда бийрон сўзлашишда юксак иқтидор эгаси эканликларини меҳмонлар олдида исботлашди.

Республикамизнинг барча таълим муассасалари қаторида Тошкент банк коллежида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Биласиз, коллежимизда «Банк иши», «Молиячи», «Бухгалтер», «Суғурта агенти», «Биржа агенти» каби йўналишларда кичик мутахассислар тайёрланади. Бу ерда ўқувчилар учун барча шарт-

шароит муҳайё қилинган. Тажрибали ва малакали устозлар жалб этилганига эса ютуқларимиз кўламини янада кенгайтирмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг ўзлари танлаган соҳада етук мутахассис бўлиши, унинг сир-асрорларини пухта эгаллаши, қолаверса, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни ўзлаштиришида ўқув куролларининг талабга жавоб бериши муҳим омил саналади. Шу маънода, коллежимизни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлашда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Тошкент шаҳар минтақавий филиалининг хиссаси катта бўлди. Ушбу муассаса томонидан 2011/2012 ўқув йилида 20 миллион сўмга яқин хомийлик ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, мазкур ташкилот билан ҳамкорликда битирувчиларнинг

бандлигини таъминлаш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 120 дан зиёд битирувчилар билан уч томонлама шартномалар тузилганлиги фикримиз тасдиғидир. Жорий ўқув йилида коллежимизни 1000 нафар ўқувчи битиради. Аини пайтда улардан 961 нафарининг иш жойи аниқ, Кичик мутахассисларимизнинг ўз соҳасига қизиқишини оширишда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташда, пировардида уларни иш би-

лан таъминлашда ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк», ТИФ «Миллий банк», ДТ Халқ банки, АТИБ «Ипотека-банк», «Алоқабанк», ОАТБ «Микрокредитбанк», «Қишлоқ қурилиш банк» каби молия муассасаларининг хизматлари беҳис бўлмоқда. Худди шунингдек, ОАТБ «Турон» банки хомийлигида замонавий мультимедиа ва компьютер техникаси келтирилди. Улар орқали дарс ўтишининг инновацион усулларидан кенг фойдаланилмоқда.

Маълумотларга кўра, дунё бўйича умумий саводхонлик даражаси 30-40 фоизни ташкил этади, атиги 30 га яқин мамлакатдагина бу кўрсаткич 90 фоиздан ортиқ, Ўзбекистонда эса аҳолининг саводхонлик кўрсаткичи қарийб 100 фоизга тенг экан. Анг-лашладикки, юртимизда таълим тизими изчил йўлга қўйилган.

Дарвоқе, халқаро конференция туфайли коллежимиз Латвиянинг Рига шаҳрида жойлашган бухгалтерия-молия коллежи билан таълим йўналишида ҳамкорлик шартномасини имзолади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида қўлга киритилган улкан ютуқлар самарасидир.

Азамат МАҲМУДОВ,
Тошкент банк коллежи директори.

Реклама ва эълонлар

«САМАРҚАНД АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕklangAN HАМИЯТИ
Самарқанд шаҳридаги «СамАвто» МЧЖ худудида автополигон участкаси қуриш бўйича

Танлов савдолари ўтказилади.

Объектнинг бошланғич баҳоси:
— ҚҚС билан 2 863 462 034,4 сўм;
— ҚҚСсиз 2 386 218 362 сўм.

Тўлиқ маълумотни бизнинг қуйидаги сайтимиздан олиш мумкин:
WWW.SAMAUTO.UZ

«Ўнефтьгазқазибчиқариш» АКга қарашли

«NEFTGAZQAZIBCHIQARISH-INJINIRING» унитар шўба корхонаси

2012 йил молиявий фаолиятини аудит текширувидан ўтказишга аудитор компанияларини танловда қатнашишга таклиф этади.

Ҳисоб-китоб сўмда амалга оширилади.

Ўз тижорат таклифларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингизни сўраймиз:
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 66-уй, «Ўнефтьгазқазибчиқариш» АК маъмурий биноси, 2-қават.

Маълумот учун тел./факс:
(+99871) 235-45-82, 235-35-97.



«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» ОАЖ

меҳнат жамоаси

кон ва металлургия соҳасида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини яқинлашиб келаётган касб байрами —

Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия sanoati ходимлари кўни билан самимий қутлайди!

Мамлакатимиз иқтисодиётининг гуллаб-яшнаши, элимиздаги фаровонлик гарови бўлган юрт sanoati ривожига кончи-металлургия ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўйишга эътиборга лойиқ.

Шундай файзли кунларда барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик тилаб, она-Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги меҳнатларида улкан зафарлар тилаймиз!



ОБ-ҲАВО

Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида

+13 +18 +25 +30 ☀️

Бухоро ва Навоий вилоятларида

+13 +18 +25 +30 ☀️

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида

+13 +18 +23 +28 ☁️

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида

+13 +18 +25 +30 ☁️

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида

+13 +18 +22 +27 ☁️

Тошкент шаҳрида

+13 +15 +25 +27 ☁️

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирад Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Д. Солиқов.
Мусоҳахчи — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5